

Шавкат БОБОЖОНОВ,

ЎзР ФА Тарих институти таянч докторанти

Зиёрат – ибодат мақсадидаги саёҳат бўлиб, туризмнинг энг қадимги кўринишларидан бири ҳисобланади. Унинг ривожланиши дунё динларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ¹. Бухорода зиёратнинг ривожланишида ислом дини муҳим ўрин тутган. Маълумки, ислом кириб келгандан сўнг мусулмон маданиятини ёйишда қатор марказ шаҳарлар янги дин маёқлари вазифасини ўтаган. Дамашқ Умавийлар давлати, Куфа ва Амбар, кейинроқ, дунё шаҳри Бағдод – Аббосийлар халифалиги, Ғазна – Ғазнавийлар давлати,

мартабасидадир. Унга туташ ерлар фуқаҳо ва Уламо нури равшанлиги ила орастадир. Унинг теварак – атрофи маони (диний мазмун-моҳиятда) зеби-зийнатлидир. Қадим замонлардан ва ҳар бир асрда Бухоро турли дин уламолари йиғини жойи бўлган. Бухоро сўзининг ҳосил бўлиши Бухоро калимасидан бўлиб, муғлар тилида “Мажмаъи илм (илмлар кони) демақдир”³.

Бухоро авлиёларининг валийси, дастлабки фикҳ илмининг ўткир билимдони Абу Ҳафс Кабир Бухорий⁴ (VIII аср), Абдуҳолиқ Ғиждувоний (XII аср), Шайх Сайфиддин Боҳарзий⁵ (XIII аср), Баҳоуддин Нақшбанд (XIV), Хожа Порсо (XV аср), Хўжа Исмадуллоҳ Бухорий⁶ (XV аср), Абу Бакри Исҳоқ Калободи⁷,

БУХОРО – ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ МАРКАЗИ

Марв ва Исфакон – Салжукийлар давлати, Хоразм – Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти мусулмон динининг таянч шаҳарлари қаторида бўлган. Худди шундай Бухоро – Сомонийлар давлати пойтахти ва ислом дини маркази сифатида хизмат қилган ва мусулмон дунёсида маълуми машҳур бўлган². Бухоройи шариф жаҳон тамаддунида тенгсиз ва бой ўтмиши, минг йиллик осори-атиқалари, меъморий ёдгорликлари билан юксак маданият ўчоғи, ислом дини ривожига муҳим ҳисса қўшган тарихий шаҳардир.

“Тарихи Муллозода” китобида Отамалик Жувайнийнинг “Тарих-и жаҳонгушой” асаридан куйидаги парча келтирилади: “Бухоро куббат ул-исломнинг шарқ ўлкаларидан биридир, ўша ноҳиялар ичида Мадина ул-ислом

Саид Абулҳасани Побанд⁸ ва бошқалар ислом дини ривожига беназир ҳисса қўшдилар. Уларнинг буюк хизматлари боис шаҳар X асрда “Куббат ул ислом” (“Ислом динининг гумбази”), XIII асрда Бухоройи шариф (Шарофатли, муқаддас, муборак Бухоро) мартабаларига эга бўлди.

Бухорода зиёрат қадимдан бўлиб келган жараён ҳисобланиб, шаҳарга турли мақсадларга келинган:

➤ Буюк Ипак йўли устида жойлашгани учун зиёрат қилиб ўтишган;

³ Аҳмад Ибн Маҳмуд Бухорий “Муъин Ал-Фуқаро”. Тарихи Муллозода (Бухоро мазорлари зикри). –Т.: Янги аср авлоди. 2009. Б.1920.

⁴ Абу Ҳафс Кабир (767–809). Бу зот маҳаллий халқ орасида “Ҳожатбарор”, яъни “Ҳожатларни чиқарувчи имом” деб улуғланган.

⁵ Бухоронинг тарихий Мозор дарвозасидан ташқарида жойлашган “Шайх ул олам – олам шайхи” номи билан машҳур авлиё.

⁶ Хўжа Исмад “Фахриддин” (Диннинг фаҳри) унвонига сазовор бўлган.

⁷ “Тоҷул ислом – ислом тожи”, “дарбони Бухоро – Бухоро дарвозабони” номлари билан шуҳрат қозонган.

⁸ Побанд – оёғи кишанли, боғлиқ деганидир. Бухороликлар авлиёни “Саид Банди Кушод” - яъни “туғунларни очадиган Саид” деб юритишади.

¹ Глушко А.А., Сазыкин А.М. География туризма.– Владивосток.: изд.Дальневосточного университета, 2002.–С.55.

² Фазлаллаҳ ибн Рузбихан Исфаканий. Михман-наме-йи Бухара (записки Бухарского гостя). Перевод, предисловие и примечания Р.П.Джалиловой. Под ред. А.К.Арендса.-М.: Наука. 1976.-С.66.

- Турли диний саволларга жавоб топиш учун шаҳарга келишган;
- Кучли дин илми маркази бўлгани боис таълим олиш мақсадида келинган;
- Бухорода дафн этилган шайхлар ва уламоларнинг авлодлари зиёрат мақсадида келишган;

Бухорога авалло, улуг авлиёлар ва шайхлар, йирик тасаввуф вакиллари мазорларини зиёрат қилиш учун ташриф буюрилган. Ҳар бир ҳудудда ислом оламида кенг танилган шахслар ўтган ва даврлар ўтиши натижасида уларнинг қабрлари йирик зиёратгоҳга айланган. Тошкентда Шайх Хованди Таҳур (XVI аср), Самарқандда Хожа Аҳрор (XV аср), Бухорода Абдуҳолик Ғиждувоний (XII аср), Баҳоуддин Нақшбанд (XIV аср), жўйбор хўжалари мақбараси Чор Бақр (XVI аср) айти шундай зиёратгоҳлардандир⁹.

Мушкул ва мураккаб дин саволларига жавоб олиш мақсадида Бухоро уламоларига мурожаат қилишган ва шаҳар зиёрат этилган. Ривоятларга қараганда, ҳожилар қарвони ҳаждан қайтиб Имом Хафс Кабирнинг ҳузурига бориб, ундан маслаҳат сўраб эканлар. Шунда Абу Хафс: “Ўзинг Ироқдан келаяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?”, дер экан. Улар эса: “бу масалада Ироқ олимлари билан мунозара қилдик, жавоб беролмадилар. Буни Бухорода Хожа Абу Хафс Кабир Бухорийдан сўранглар дедилар”, деб жавоб қайтарган эканлар¹⁰. Бундан далолат берадики, VII асрда ислом дини Арабистон диёрида вужудга келган бўлса, Бухорода тараккий этиб, ўзининг юксак чўққисига эришди.

Бухоро мусулмон маданиятининг муборак маркази сифатида қабул қилинган. Шаҳарда кўплаб мадрасалар бўлиб, унда нафақат бухороликлар, балки Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан, ҳатто, Татар, Хорижий Шарқ

мамлакатларидан келганлар таҳсил олишган¹¹. Бухорога илм излаб келганлар орасида Оренбург, Қозон ва Қримликлар ҳам анчагина бўлган¹². Бухорода 100 дан ортиқ мадраса зиё масканлари сифатида фаолият кўрсатган.

Шарқ ва Европа мамлакатларининг жаҳонгашта саёҳатчилари ҳам Бухорода бўлишган. XIII асрнинг иккинчи ярмида Осиёда кўп йил яшаб, саёҳат қилган Марко Поло Бухорони “яхши қурилган шаҳар, юксак улугворлик шаҳри” дея таърифлаган¹³ бўлса, Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган моҳир олими Ҳерман Вамбери кундаликларида Бухоро – ҳақиқий ислом таянчи, Бухорони яна “Ислом Рими” деб аташ мумкин, дея қайд этган¹⁴. Мен осиёликларнинг Бухорони юксак тасаввур билан ҳар ҳолда диний сабабларга кўра расман ал шариф, яъни муаззам деб аташларидан ажабландим. ... шаҳарда ибодат учун масжидларнинг кўплигидан намоз адо этиш гўё ҳар нарсадан муҳимроқдек туюларди, деб ёзади Америка элчихонаси котиби Ю.Скайлер¹⁵.

Бухоронинг зиёрат маркази деб таърифланишининг ўзига хос яна бир хусусияти ундаги муқаддас қадамжолар – мазорларнинг кўплигидандир. О.А.Сухарева Бухоро шаҳридаги зиёрат қилинадиган 100 дан ортиқ муқаддас қадамжолар, 30 га яқин қабристонларнинг номлари ва ўрнини санаб ўтган¹⁶. Қадамжоларга турли ўлкалардан зиёратчилар келишган ва шубҳасиз, кам бўлсада фойда келтиришган.

¹¹ Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в (Позднефеодальный город и его население). –М.: Наука. 1966. С.70.

¹² Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. Т. Изд.лит. и искусства имени Гафура Гуляма. 1981. – С.49.

¹³ Степного Ет. Марко Поло о Средней Азии. /Средняя Азия. Научно-литературный сборник статей по Средней Азии. (под редакцию Е.Т.Смирнова). –Т.: типо-Литография торгдома «Ф. п Г.Бр.Каменские».1896. –С.22.

¹⁴ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. –М.: Восточная литература РАН.2003.–Б.147.

¹⁵ Скайлер Ю. Бухоро. // Ўзбекистон тарихи. 2015 йил 1-сон. Б.14.

¹⁶ Сухарева О.А. Квартальная ообщина позднефеодального города Бухары (в связи с историей кварталов).-М.: Наука.1976.С. 355–357.

⁹ Сухарева О.А. Ислам а Узбекистане. –Т.: изд-во Академии наук Узбекской ССР.1960.-С.37.

¹⁰ Йўлдошев Н. Ҳожат барор Имом Абу Ҳафз Кабир Бухорий (Ота ва ўғил Абу Ҳафз Бухорийлар). Бухоро. 1994. Б.2.

Бухородаги авлиёлар зиёратгоҳларига “шаҳарда хоки қўйилган минглаб солиҳлар” дея нисбат берилган. Маълумки, турли даврларда Бухорода мазорлар, хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Сайфиддин Боҳарзий, Чор Бакр (тўрт Бакр), Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Аюб алайҳиссалом мазорлари ва бошқа қадамжолар бўйлаб зиёратлар ташкил этилган. Булар орасида Баҳоуддин Нақшбанд ва Сайфиддин Боҳарзий зиёратгоҳлари фаол зиёрат объектлари саналган¹⁷.

Бухорода мазорлар хусусиятига кўра иккига бўлинган: авлиёлар бевосита дафн қилинган қабрлар ва қадамжолар, авлиённинг қадами теккан жойлар. Воҳа маҳаллий аҳоли йирик диний байрамлар – Қурбон ва Рамазон кунларида марҳумларни хотирлашган ва мазорларга зиёратга боришган¹⁸.

Бухорога нафақат мусулмон мамлакатлари, балки хорижлик саёҳатчилар ва олимлар ташиф буюришган. Ўз кундалик ва асарларида шаҳарнинг ислом маданиятидаги ўрни, авлиёлар, зиёратгоҳлар, айниқса, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳини алоҳида тавсифлашган. Қимматли маълумотларни А.Борнс¹⁹, Д.Н.Логофет²⁰, И.Л.Яворский²¹, В.В.Крестовский²², Н.Игнатъев²³, П.Шубинский²⁴, Н.Хаников²⁵, В.Н.Гартевельд²⁶, Н.А.Маев²⁷, Мейендорф²⁸,

Н.А.Фридрих²⁹, П.И.Демезон кундаликларида ўқишимиз мумкин. Бундан ташқари, Бухорога келган фотограflлар ҳам Бухоро зиёратгоҳлари, мусулмон обидаларини тасвирга олишган. Дмитрий Кавказкий (1888 й), Прокудин Горский (1911 й), Пол Надар (1890 й), Н.Орде (1880 й), Н.С.Воронец (1898 й), Е.А.Дмитриев – Мамонов (XX аср боши), Кон-Винер (1924-1925 й), И.Н.Панов (1928-1933) фото коллекцияларининг илмий аҳамияти ниҳояда юқоридир. Фотосуратларда Бухоро масжидлари, мадрасалар, улардаги дарс жараёни, мударрис ва муллавачалар, қадимий қабристон ва мазорлар, намоз ўқиш жараёнлари, дарвишлар ва бошқа лавҳалар акс этган.

Тарихда Бухорони зиёрат ҳеч вақт тўхтаган эмас. Ислом оламида Маккадан кейинги ўринда турувчи муборак шаҳар дея улуғланувчи Бухорога зиёратчилар ҳамма вақт ошuftа бўлишган. Аллоҳ назари тушган замин қуёшидан, улуғлар сўнгги манзил этган шаҳар ҳавосидан, азизлар хоки қўйилган заминдан баҳра олишга интилишган.

Бугун “Ислом олами маданияти пойтахти” деб улуғланаётган Бухородан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Зиёрат шакллари трансформациялашган бўлса-да, аммо шаҳар мусулмон маданияти маркази, азиз авлиёлар юрти сифатида миллионлаб зиёратчиларни ўзига чорлайверади.

¹⁷ Сухарева О.А. Бухара XIX – начало XX в (Позднефеодалный город и его население). – М.: Наука. 1966. С.76.

¹⁸ Андреев М.С. По этнологии Афганистана Долина Панджир (Материалы из поездки в Афганистан в 1926 г.).-Т.,1927. С.55.

¹⁹ Борнс А. Путешествие в Бухару. – М.,1848.

²⁰ Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русском протекторатомъ. – СПб., 1911.

²¹ Яворский И.Л. Путешествие Русского посольства по Афганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879. – СПб.,1883.

²² Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. СПб.: А.С.Суворина.1887.

²³ Игнатъев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году. – СПб.,1897.

²⁴ Шубинский П. Очерки Бухары. – СПб.,1892.

²⁵ Хаников Н. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.

²⁶ Гартевельд В.Н. Путевые очерки Туркестана. – М.,1914.

²⁷ Маев Н.А. Очерки Бухарские ханство. СПб.,1879.

²⁸ Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Восточная литература.1975.

²⁹ Фридрих Н.А. Бухара. Этнографический очерк. СПб.: изд-во О.Н.Поповой.1910.